



O'ZLiDeP



XXI ASR

IJTIMOIY - SIYOSIY GAZETASI

**Имом
Ғаззолий:**
Сиз илмга
бор-йўғингизни
бермагунингизча,
у ҳам сизга бирор
нарса бермайди.

O'zLiDeP VA DUNYO



ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ: ПАРТИЯЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧЛАРИ

O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Ақтам Хаитов бошчилигидаги делегация Жаҳон Туркий тиллари куни муносабати билан "Турк дунёси нигоҳи" (Türk Dünyası Vizyon Belgesi) хужжатининг тақдимотида иштирок этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистоннинг очиқ, оқилона ва конструктив ташқи сиёсати халқаро майдонда кенг эътироф этилмоқда. Айниқса, туркий тилли давлатлар билан дўстона, ўзаро манфаатли ва стратегик шерикликка асосланган муносабатларни ривож-

Мазкур ташаббус Озарбойжон, Қозоғистон, Қирғиз Республикаси, Туркия ва Ўзбекистон томонидан илгари сурилиб, ЮНЕСКОга аъзо 21 та давлат қўллаб-қувватлагани халқаро ҳамжамиятда туркий тиллар ва маданиятга бўлган юксак эътиборнинг яққол ифодаси бўлди.

палатасидаги партия фракцияси раҳбари Ақтам Хаитов бошчилигидаги делегация Бутунжаҳон туркий тиллар куни муносабати билан "Турк дунёси нигоҳи" (Türk Dünyası Vizyon Belgesi) хужжатининг тақдимотида иштирок этди.

Тадбир доирасида партия вакиллари Туркия Буюк миллат мажлиси депутати, "Туркия - Ўзбекистон" дўстлик гуруҳи раҳбари Осман Местен ҳамда "Адолат ва тараққиёт" партияси раиси ўринбосари, Туркий тилли давлатлар билан алоқалар департаменти бошлиғи Куршад Зорлу билан учрашди.

О. Местен Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатлар сўнги 8-9 йил ичида юқори даражага кўтарилгани, бу, аввало, икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги ишончли ва стратегик ҳамкорлиги натижаси эканини эътироф этди ҳамда Ўзбекистонни туркий дунёнинг юксалиб бораётган юлдузи, деб таърифлади. Учрашув давомида у парламентлараро ҳамкорликни давом эттириш ва ривожлантириш бўйича бир қанча таклифларни илгари суриб, дўстлик гуруҳлари, депутатлар ва кўмита даражасидаги алоқаларни янада фаоллаштириш муҳимлигини қайд этди.

К. Зорлу ўз сўзида Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги дўстона муносабатларни юқори баҳолаб, Туркия Президентининг Ўзбекистон Президентига юксак ҳурмат ва ишончи ҳақида гапирди. Туркия Ўзбекистонни нафақат ҳамкор давлат, балки қардош мамлакат сифатида қабул қилишини таъкидлади.

Учрашувда А. Хаитов ўзбек ва турк халқларининг тарихий илдизлари бир, орзу-интилишлари муштарак эканини қайд этди. Ҳар икки давлат парламентлари фаолияти самарадорлигини оширишда ҳамкорликни мустаҳкамлаш, кўмиталарнинг ўзаро алоқаларини йўлга қўйиш катта аҳамиятга эга эканини билдирди.

Мулоқотда мезбонлар Ислон цивилизацияси маркази билан биргаликда Имом Мотуридий илмий меросини ўрганиш бўйича конференция ўтказишни режалаштираётганини маълум қилди. O'zLiDeP ва "Адолат ва тараққиёт" партияси ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми доирасида партиялар ёшлар бўлиmlари ўртасидаги алоқаларни янада кучайтириш, шу мақсадда ёш сиёсатчилар форумини ташкил этиш таклифи ҳам илгари сурилди.

Шуни таъкидлаш керакки, дўстона учрашувлар икки мамлакат партиялари ўртасидаги ўзаро ишончли мустаҳкамлаш ва ҳамкорликнинг янги йўналишларини очишга хизмат қилади.


O'zLiDeP матбуот хизмати



БУГУНГИ СОНДА:



КЕЛАЖАК КИМНИКИ? 3



СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ҚАНДАЙ ТЕЖАШ КЕРАК? 4



ТИРБАНДЛИКНИНГ ЧОРАСИ БОР... 6



лантириш мамлакат ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Шу ўринда қайд этиш керакки, бир неча ой аввал Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКО бош конференциясининг 43-сессиясида Бутунжаҳон туркий тиллар кунини таъсис этиш тўғрисидаги тарихий резолюция қабул қилинган эди. Энди ҳар йили 15 декабрда ушбу санага бағишланган тантаналар нишонланади.

Бутунжаҳон туркий тиллар кунининг таъсис этилиши ЮНЕСКОнинг тил ва маданий хилма-хилликни асраш, туркий халқлар оғзаки ва ёзма меросини сақлаш ҳамда глобал ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган устувор мақсадларига тўлиқ мос келади.

Туркий давлатлар ташкилоти доирасида Ўзбекистон савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, транспорт-логистика йўлакларини ривожлантириш, маданий-гуманитар ҳамкорликни чуқурлаштириш ҳамда ёшлар ва таълим соҳасида эзгу ташаббусларни илгари сурмоқда. Улар ташкилот фаолиятига амалий мазмун бағишлаб, халқаро нуфузини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мамлакатимиздаги етакчи сиёсий куч сифатида бу борадаги тизимли саъй-ҳаракатларга ҳамоҳанг равишда халқаро алоқаларини кенгайтириб, фаолият самарадорлигини оширяпти. O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси, Қонунчилик

XXI ASR
Ijtimoiy-siyosiy gazetasi

Обуна
2026 йил учун

ОБУНА ИНДЕКСИ – 406
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН:
(71) 255-68-50

Дунё ва мамлакатимиздаги энг сўнги янгиликлар!

21asr.uz
@XXIasr_yangiliklari
XXIASR



“Белая Русь” партияси билан мулоқот

Беларусь Республикасининг “Белая Русь” партияси янги сайланган раиси О. Чемоданова ташаббуси билан O'zLiDeP раиси А. Хаитов қатнашган видеоконференция шаклидаги учрашув ўтказилди.

Мулоқотда “Белая Русь” партияси раиси О. Чемоданова, раис ўринбосари А. Бугров, Беларусь Республикаси Миллий мажлиси вакиллар палатаси депутаты А. Шпаковский иштирок этди.

O'zLiDeP раиси икки давлат раҳбарлари ўртасида йўлга қўйилган ишончли ва очик мулоқотларга асосланган стратегик ҳамкорлик натижасида Беларусь ва Ўзбекистон

муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани, бундай кўп қиррали ҳамкорликда сиёсий партиялар халқ манфаатлари ҳамда узоқ муддатли миллий мақсадларни чуқур англаш ва илгари суришда муҳим ўрин тутушини таъкидлади.

“Белая Русь” партияси раисининг таъкидлашича, ҳозирги кунда икки давлат етакчиларининг дўстона муносабатлари туфайли ўзбек-беларусь

сиёсий ҳамкорлиги, жумладан, парламентларо алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Ижтимоий соҳада партияларо муносабатлар, шунингдек, маҳаллий кенгашлар ўртасидаги алоқалар, ёшлар ва аёллар бўлимлари фаоллаштиришга зарур шароитлар яратилган. “Белая Русь” партияси O'zLiDeP билан кенг қамровли алоқаларни жадаллаштиришга тайёрлигини маълум қилиб, турли йўналишларда барқарор ҳамкорлик ўрнатишга катта қизиқиш билдирди.

А. Хаитов партияларо муносабатларни тизимли равишда ривожлантириш мақсадида ҳамкорлик меморандуми тузиш таклифини илгари сурди. О. Чемоданова мазкур ташаб-

бусни қўллаб-қувватлаб, меморандумни ишлаб чиқиш учун қўшма ишчи гуруҳ тузиш, ёшлар ва аёллар бўлимлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, тадбиркорлик ва инновациялар соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда гуманитар ҳамкорликнинг янги шакллари ишлаб чиқиш лозимлигини таъкидлади.

Томонлар, шунингдек, қўшма форумлар ва давра суҳбатларини ташкил этиш орқали сиёсий тажриба алмашишга тайёрлигини билдирди.

Учрашув дўстона ва конструктив руҳда ўтди.

O'zLiDeP матбуот хизмати

МУНОСАБАТ



Севара УБАЙДУЛЛОЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

МУАММО ЭЛЕКТРОН РЕЦЕПТДА ЭМАС

Сўнгги кунларда дори воситаларини электрон рецепт асосида харид қилиш тартибининг босқичма-босқич жорий этилиши ҳолатлари жамоатчилик орасида турли муҳокама ва саволларни келтириб чиқармоқда. Фуқароларнинг дори харид қилишда қийинчиликларга дуч келаётгани оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини билиши, қонунчиликка оид савол қўйиши ва муносабат билдириши жамиятда ҳуқуқий маданият юксалиб бораётганининг ижобий кўринишидир. Бироқ айна масала атрофида тарқалаётган айрим ноҳолис ёки бирёқлама талқинлар аҳоли орасида асоссиз хавотирларни кучайтириши мумкин.

Кўпчиликни ўйлантираётган асосий савол шундай: “Фуқаролар қабул қилиб келган дори воситаларини эндиликда эркин харид қила олмайдими?”. Аслида эса бу фикр кўпроқ йиллар давомида шифокор маслаҳатисиз дори воситаларини тўғридан-тўғри дорихоналардан харид қилиб келинган амалиёт билан боғлиқ эканини тан олиш керак. Маълумки, тиббиёт ходимлари томонидан мутахассис таъсиссиз қабул қилинган дори воситаларининг ноҳўя таъсирлари, ёмон асоратлар ёки оғир оқибатларга сабаб бўлиши ҳақида йиллар давомида огоҳлантириб келинаётганига барчамиз гувоҳимиз. Афсуски, амалиётда фуқаролар дорихоналарда фармацевт билан қисқа маслаҳат асосида дори харид қилиб, ўз саломатлигини хавф остига қўйган ҳолатлар кам бўлмаган.

Энг ташвишли жиҳати шундаки, ноҳўя таъсир юзага келганида ёки бемор аҳоли оғирлашганида жавобгарлик, аксар ҳолларда, тиббиёт ходимлари зиммасига юклиниб келинган. “Сўнгги пушаймон – ўзинга душман” деган халқона иборани ёдга соладиган ҳолатлар келиб чиқишига сабаб бўлган.



Шу нуқтаи назардан қаралганда, электрон рецепт тизимининг жорий этилиши, энг аввало, фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш, дори воситаларини оқилона қўллаш ва тиббий назоратни кучайтиришга қаратилган муҳим қадамлардан биридир. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, уларда дори воситаларининг рецепт ёки рецептсиз сотилиши қатъий тартибга солинган бўлиб, бу орқали дори айланмаси устидан самарали назорат ўрнатилган. Бундай тизим фақатгина қонунчилик билангина эмас, балки аҳолининг ушбу қоидаларга тўлиқ риоя қилиши орқали самара беради.

Юртимизда ҳам электрон рецепт тизими жорий этилишида қонунчилик асослари мавжуд. Қайси дори воситалари рецепт орқали, қайсилари рецептсиз берилиши, ким томонидан рецепт ёзилиши лозимлиги ҳақида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Ушбу маълумотлар Фармацевтикани ривожлантириш марказининг расмий манбаларида белгиланган тартибда жойлаштирилган.

Шу билан бирга, амалиётда фуқаролар ва дорихоналар ўртасида тушунмовчиликлар юзага келгани, айрим ҳолатларда ахборот етишмаслиги эътирозларга сабаб бўлганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Хусусан, давлат рўйхатидан ўтказилган дори воситаларининг қайси бири рецептли ёки рецептсиз эканлиги ҳақида очик ва мунтазам янгилини борадиган ягона ахборот манбасининг йўқлиги маълум қийинчиликларни келтириб чиқарди. Сўнгги кунларда бу борада тегишли вазирлик томонидан махсус ҳаволалар орқали маълумот олиш имконияти яратилгани эътирозларни қисман юмшатди. Бироқ бу вақтинчалик чора бўлиб, тизимли ечим талаб этилади.

Шу муносабат билан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситалари орқали давлат рўйхатидан ўтказилган дори воситалари рўйхати, уларнинг рецепт ёки рецептсиз сотилиши ҳақидаги маълумотларни мунтазам равишда, камда йилда бир ёки икки марта янгиллаб, оммага эълон қилиб бориш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Мазкур масаланинг ҳуқуқий ечимини таъминлаш мақсадида, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонунга тегишли ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш масаласи ўрганилмоқда. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ваколатларига давлат рўйхатидан ўтказилган дори воситалари ҳамда уларнинг рецепт ёки рецептсиз сотилиши ҳақидаги маълумотларни жамоатчиликка очик ва мунтазам тақдим этиш мажбуриятини юклар тақдир этилмоқда.

Бу, ўз навбатида, келгусида бундай эътирозли ҳолатларнинг олдини олиш, аҳолининг хабардорлик даражасини ошириш ва янги-ланган Конституцияда мустаҳкамланган фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ҳамда ахборот олиш ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашга хизмат қилади.

ҚУТЛАЙМИЗ

ГАЗЧИЛАР — КУБОК СОҶИБИ

“Ўзбекнефтгаз” АЖ тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда хизмат қилаётган ёш мутахассисларнинг энергия соҳасидаги назария ва амалиёт уйғунлиги, технологик жараёнлар, тарих ва ҳуқуққа оид билим ва малакаларини ошириш мақсадида ташкил этилган “Интеллектуал олимпиада – 2025” мусобақалари якунланди. Финалда 133 нафар ёш мутахассис 19 та жамоага бирлашиб, касбий тайёргарлик, интеллектуал салоҳият ва ҳуқуқий ҳамда фалсафий билимларини синашди.



миз раҳбарияти томонидан навқирон авлод вакиллари-нинг ишлаш, билим ва малакаларини оширишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Албатта, бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан улар ҳам улкан жамоа шўхратини ёйиш учун бор билим ва ғайратларини аямаяпти.

“Интеллектуал олимпиада – 2025” дастурида “Ўзбекистон-2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни

асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга ошириш бўйича давлат дастурида эътироф этилган ёшлар тадбиркорлиги кўламини кенгайтириш, табиатни муҳофаза этиш каби ҳаётий фоялар ўрин олгани билан аҳамиятлидир.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” муҳбири

Ёшлар O'zLiDePни танлашди

Партиянинг Навоий вилоят кенгаши ташаббуси билан Шарқ университетига очик эшиклар кунни ўтказилди.



Тадбир дастурига мувофиқ сиёсий кучнинг асосий йўналишлари, истиқболли лойиҳалар, ёшлар учун яратилаётган имкониятлар, стартап фояларини қўллаб-қувватлаш ҳамда кичик

бизнесни ривожлантиришга оид ташаббуслари ҳақида

батафсил маълумот берилди. Ўз навбатида, талаба ёшлар-

нинг таклиф ва фикр-мулоҳазалари тингланди, улар-

ни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоблар берилди. Шунингдек, лидерлик, жамоавий ишлаш, лойиҳа бошқаруви каби йўналишларда қисқа тренинглар уюштирилди. Тадбир якунида юздан ортиқ талабалар партия аъзолигига қабул қилинди.

O'zLiDeP Навоий вилоят кенгаши матбуот хизмати

Келажак кимники?

Ўтаётган ҳар бир кун дунёда янги имконият ва хавф-хатарларни юзага чиқармоқда. Эндиликда давлатларнинг қудрати нефть қудуклари сони, ер ости бойликлари микдори ёки йирик курилишлар, sanoat мажмуалари, миллиардлик лойиҳалар билан эмас, балки инсон капитали, билим ва инновацияга қаратилган сармоясини баҳолаётган бир вақтда яшаймиз.

Хусусан, Янги Ўзбекистон ҳам ўз тараққиётининг энг муҳим нуқтасини айнан таълимга қаратмоқда. Бугун глобал майдонда **“Келажак кимники?”** деган саволга турли давлатлар ўзича жавоб излаётган бир пайтда, давлатимиз раҳбари бу саволга аниқ ва ишончли жавоб берди: **“Келажак – билимли авлодники!”**. Шу боис сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар нафақат ички эҳтиёж, балки глобал рақобат учун мустақам пойдевор яратишга қаратилди. Бунинг энг ёрқин исботи сифатида БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги ислохотларига билдирилган юқори баҳо, халқаро ҳамжамият томонидан намоеён этилган чуқур қизиқиш ва эътиборни кўрсатиш мумкин.

Бугун қайси миллат келажакни қўлга киритаётган бўлса, у аввало, келажак авлодига, ёшларга, қолаверса, ўқитувчи-мурабийларига сармоя қилган. Юртимизда таълимга қаратилаётган эътибор шунчаки бир соҳанинг эмас, балки бутун жамиятнинг келажакни янгидан куриш демокдир. Бугун Ўзбекистон иқтисодиёти икки қарра ўсгани, яъни ички маҳсулотнинг 130 миллиард долларга чатаётгани бежиз эмас. Бунинг заминиди, аввало, таълим ва илм-фанга йўналтирилган бекиёс сармоя ётади. Охириги саккиз йилда таълим ва илм-фанга йўналтирилаётган маблағларнинг 6 қарра оширилиб, 378 триллион сўмга етгани юрт келажакига йўналтирилган энг катта инвестициядир. Бу эса соҳага эътибор давлат сиёсатининг қай даражада устувор эканини аққол кўрсатади.

Ушбу маблағлар қоғозда эмас, хаётда ўз ифодасини топмоқда: юзлаб мактаб, боғча, техникум, олий ўқув юрти ва илмий марказлар курилди, улар замонавий жиҳозлар билан таъминланди, соҳа эгаларининг меҳнати муносиб қўллаб-қувватланяпти. Бундай улкан қўламдаги ишлар халқаро институтлар томонидан эътироф этилди. Ўзбекистон таълим соҳаси борасида қисқа вақтда улкан натижаларга эришган камсонли ривожланган давлатлар сафига кирди.

Болага инвестиция – келажакка инвестиция

Айниқса, мактабгача таълим тизимидаги ўзгаришлар ҳақиқий туб бурилишга айланди. Бир пайтлар, яъни 2017 йилгача мамлакатимизда 4 миңдан ортиқ маҳаллада умуман боғча йўқлиги, бор-йўғи 5 200 та муассаса фаолият юритгани ва қамров атиги 27 фоизни ташкил этганини бугунги ҳолат билан солиштириш қиёфа. Ота-оналарнинг аксарияти фарзандини боғчага қўйиш имконига эга эмас эди: ҳар тўрт боладан уч нафари мактабгача таълимдан четда эди. Бугун-чи, боғчалар сони **38 миңга** етди, қамров **78 фоиздан** ошиб, тарихий юқори даражага чиқди. Тарбиячилар оиланинг мактаб ўқитувчилари маоши даражасига тенглаштирилиши, рақбар ва педагоглар иш ҳақларининг қарийб икки баробар оширилиши ҳозирги ислохотлар инсон меҳнати қадрига қандай ёндашилганлигининг очик ифодаси эмасми?

Энг муҳим ўзариш шундаки, мактабгача таълим энди фақат биноларни қўлайтириш эмас, **бутун тизимни сифат жиҳатдан қайта яратиш босқичига ўтди**. Бу йилнинг ўзида **182 миңга** янги ўрин яратилгани, шундан 82 миңгаси янги қурилган, қолган 100 миңга эса мавжудларини таъмирлаб, хусусий сектор билан ҳамкорликда ташкил этилгани соҳани кенг қамровли модернизация қилинганини кўрсатади. Мактабгача таълим қамрови 80 фоиздан паст бўлган туман ва шаҳарларда бўш ерларни аукционга чиқариш, уларда давлат-хусусий шериклик асосида боғча куриш бўйича уч йиллик дастур жорий қилиниши нафақат курилиш, балки стратегик режалаштиришнинг янги босқичидир. Бундай муассасаларга субсидия бериш, тарбиячилар маошининг маълум қисмини давлат томонидан қопланиши эса хусусий таълимни ҳам ижтимоий шерикка айлантираётган муҳим механизмдир.

Бирок янги бино ва шароитнинг ўзи етарли эмас. Болалар билан ишловчи тарбиячилар салоҳияти, дунёқарши, билим даражаси юқори бўлиши бугуннинг талаби. Айнан шу мақсадда ёз мавсумининг ўзида 118 миң на-

фар тарбиячи малакасини оширди. Лекин бу ҳали етарли эмас: давлат боғчаларидаги тарбиячиларнинг 38 фоизи, хусусий муассасалардагиларнинг эса 24 фоизи олий маълумотли холос. Шу боис янги ўқув йилидан бошлаб ўрта махсус маълумотли тарбиячилар учун 5 кун ишлаб, 1 кун ўқиш имконини берувчи махсус бакалаврият таълим шакли жорий қилинмоқда. Бу янгилик орқали ҳар йили меҳнат бозорига камиди 10 миңга олий маълумотли, замонавий педагогика асосларини пухта биладиган мутахассис кириб келади. Бу эса тизим сифатини бутунлай янги поғонага кўтаради.

Қадрлар тайёрлашга бўлган ёндашув янада улкан мақсадларни кўзламоқда: келаси йилдан ҳар бир вилоятда **“Янги авлод” боғчалари** ташкил этилади. Бу масканлар шунчаки гўзал архитектура эмас, аксинча, улар ҳам Президент мактаблари тажрибасидаги каби методик марказ вази фасини бажаради. Илғор педагогик усуллар синовдан ўтадиган, амалиётчилар учун тажриба майдони бўладиган, халқаро стандартлар асосида ишлайдиган ушбу боғчалар бошқа барча муассасаларга методик кўмак бериш орқали тизимни умумий равишда янги босқичга кўтариши кутилмоқда. Яъни энди мактабгача таълимда муҳит ўзгармоқда, талабалар ўзгармоқда, энг муҳими, педагогнинг ўзи ўзгармоқда.

Ҳал қилувчи босқич – мактаб

Таълим тизимининг энг узоқ ва ҳал қилувчи босқичи – **МАКТАБ**. Мамлакат аҳолиси икки қарра қўлайган 38 миллионлик юртда бугун **6,5 миллион** кели мактабларда ўқимокда. Шу боис мактаб таълими ҳам кейинги йилларда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди. Эътибор беринг: 500 га ақин янги мактаб курилди, мавжудлар кенгайтирилиб, қўшимча 1 миллион ўқувчи ўрни яратилди. Хусусий секторга кенг йўл очилиши эса бутун тизимни янги рақобат майдонига айлантирди: ҳозирги кунда **200 миңдан** ортиқ ўғил-қиз хусусий таълим ўчоқларида таҳсил олмақда. Бу рақобат соҳада сифатни оширди, ота-оналар учун эса танлов имкониятини яратди.

Янги мактаблар – мақсад эмас, восита. Энг асосий қадамлардан бири янги ўқув йилидан 12 йиллик таълимга тўлиқ ўтиш ва 9-11-синфлар учун ягона давлат имтиҳонларини жорий қилишдир. Бу тизим ўқувчиларнинг билим сифатига реал баҳо бериш, битирувчиларнинг бевоисита техникани ёки олий даргоҳларга кириш имкониятини



кенгайтириш, таълимда адолат ва шаффофликни таъминлаш учун муҳим асос бўлади. Бу орқали ўқувчининг ҳақиқий салоҳияти, қобилияти ва йўналиши аниқланади, 400 миңга ақин 9-синф битирувчи техникумларга қамраб олинади. Мактабда қолиб, олий таълимни мақсад қилган ёшлар эса чуқурлаштирилган фан дастурлари орқали тайёргарликни кучайтириб боради. Эътиборлиси, хорижий тил ва фанлар бўйича олинаётган халқаро сертификатлар энди мактабдаги яқини имтиҳонларда ҳам расман тан олинади. Бу эса ёшларнинг меҳнатига ҳурмат, уларнинг санъ-ҳаракатини қўллаб-қувватлаш демокдир. Келаси йили халқаро кимё ва информатика олимпиада-

ларининг биринчи марта Ўзбекистонда ўтказилиши ҳам мамлакатимиз таълим брендини жаҳонга танитиш имконини беради.

Муаллим – ислохотлар марказида

Таълим тизимининг марказида ҳар доим битта қиёфа туради – синфга кириб, қалб-қўри билан билим бераётган ўқитувчи. Бугун мамлакатимизда айнан шу инсоннинг нуфузини ошириш, меҳнатига муносиб баҳо бериш давлат сиёсатининг энг муҳим тамойилига айланди. Ўқитувчилар оиласига ўндан ортиқ турдаги устама жорий этилгани, 60 миңдан зиёд педагогнинг 10-12 миллион сўм маош олаётгани меҳнат қилаётган, малакасини ошираётган ҳар бир устоз давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганидан дарак. Янги баҳолаш тизими орқали самарали ишлагаётган 300 та мактаб жамоасининг 40 фоизгача устама олаётгани эса соҳага киритилаётган рағбатнинг қанчалик кенг қамровли эканини кўрсатади. Шу йилнинг сентябрь ойидан бошлаб мактаб директорлари, боғча мудирлари ва уларнинг ўринбосарлари оиласининг 10 миллион сўмдан оширилиши ҳам бу борада муҳим қадам бўлди.

Меҳнатга берилган бундай эътибор, табиийки, ўз натижасини кўрсатмоқда. Йил бошидан буён юртимиз ўғил-қизлари халқаро фан олимпиадаларида **195 та медални** қўлга киритди. Бундай кўрсаткичлар фақат кучли педагоглар, замонавий методика ва яхши шарт-шароит маҳсулидир. Хорижий тиллар бўйича сертификат олган ўқувчилар сонининг бир йилда 2,5 баробар ўсгани, миңдан зиёд мактабда тил эгалари дарс бериши ҳам шунинг аққол исботи бўлади.

Мана шундай даврда янги йилдан бошлаб ўқитувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган яна бир қатор кенг қамровли ижтимоий пакетлар амалга киритилаётгани давлатимизнинг машаққатли касб эгаларига бўлган эътибори янада ортганини кўрсатади. Энди 15 йил стажга эга олий тоифали педагоглар учун ипотека кредити бошланғич бадалининг 25 фоизи давлат томонидан қоплаб берилди. Педагоглар фарзандларининг давлат олий ўқув юртларидаги контракт тўловига 30 фоиз чегирма берилади. Бу эса бир оила учун катта энгиллик, ўқитувчи меҳнатига бўлган катта ҳурматдир. Замонавий дарс замонавий технологияни талаб қилади. Шу боисдан устозларга 10 миллион сўмгача имтиёзли кредит асосида компьютер техникаси харид қилиш имконияти яратилди.



Шаҳноза ХОЛМАХАМАТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

туюлиши мумкин, аммо аслида ўқитувчининг жамиятдаги нуфузини ошириш ва унинг меҳнатини қадрлаш остида келажакни тарбиялаш гоёси ётади. Қандай замонавий мактаб қурманг, қандай лабораториялар яратманг, унинг ичида илм таратадиган инсон бўлмаса, барча меҳнат зое кетади.

Касбий таълимда янги босқич

Касбий таълимга қаратилаётган эътибор эса бутун тизимдаги энг янги ва стратегик босқич бўлди. Шу йилнинг 15 сентябрь кўни Тошкент вилояти Бўстонлик туманида Ўқитувчи ва мурабийлар кўни муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда Президентимиз касбий таълим масаласига алоҳида тўхталиб, **2026 йил – ёшларни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш йили** бўлишини таъкидлаган эди. Шундан кейин Касбий таълим агентлиги ташкил этиш белгиланди. Агентликнинг вази фаси 598 та техникумни бутунлай янги муҳитга кўчириб, Германия, Швейцария, Хитой, Корея ва Буюк Британия каби давлатлар билан ҳамкорликда илғор дастурларни жорий этишдир. Бу тизимда ҳар бир талабгор хорижий малакани баҳолаш имтиҳонларидан ўтиб, халқаро сертификат олиши мумкин бўлади. Англиянинг Пирсон компанияси билан амалга оширилаётган “VTEC” дастури эса ёшларга тўғридан-тўғри глобал меҳнат бозорига тан олинган касбини бермоқда.

Келаси йили sanoatда 45 млрд долларлик 456 та йирик лойиҳа ишга туширилади. Мана шу лойиҳалар учун кадр тайёрлаш мақсадида **“Инвестор – тармок – техникум”** занжири асосида дуал таълим жорий қилинади. Яъни ёшлар ўқиш билан бирга ишлайди, амалиётни чуқур ўрганади, амалиётда эса иш беришнинг ўзи шу талабага сармоядор бўлади. Корхоналар учун имтиёзли кредитлар, ўқувчилар учун ягона ижтимоий тўловнинг икки қарра камайтирилиши эса дуал таълимнинг оммалашувига замин яратади. Бунда устозлар ҳам эътибордан четда қолмайди. Техникумлардаги 30 миң педагог учун касбий сертификатлаш тизими жорий этилиб, миллий сертификатга оиланинг 30 фоизи, халқаро сертификатга 50 фоизи миқдорига устама берилади. Бу нафақат моддий рағбат, балки устоз нуфузини кўтариш, уларни замонавий технологиялар билан ишлашга ундаши билан муҳим.

Шунингдек, мактабларда маслаҳатчи лавозимининг киритилиши – бутун таълим тизимидаги энг қатъий ва долзарб ислохотлардан бири. Энди ҳар бир болани 7-синфдан бошлаб фанларга қизиқиши ва қобилияти бўйича кузатадиган мутахассис бўлади. Бу боланинг йўлини адаштирмастик, унга энг тўғри йўналиш бериш, мактабдан кейинги хаётга тайёрлашга хизмат қилади.

Умуман олганда, кейинги йилларда амалга оширилаётган барча ташаббусларнинг мақсади битта: ёшларимизни касбли, даромадли, билимли ва келажакка ишонган авлод сифатида тарбиялаш. Зеро, Президентимизнинг **“Ҳар бир болани касб-ҳунар орқали даромадли қилсак – оилаларнинг рўзғори бут бўлади, маҳаллаларда тинчлик ҳукм суради”** деган фикри бу ислохотларнинг фалсафий асосидир.

ИМКОНИЯТ ВА САМАРА



Одинахон ОТАХОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Барқарор ривожланиш йўллари

Сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан чорвачиликка давлат сиёсати даражасида ёндашув шаклланди. Энг аввало фермер ва деҳқон хўжалиklarини молиявий қўллаб-қувватлаш тизими тубдан такомиллаштирилди. Имтиёзли кредитлар, узоқ муддатли ва паст фонзли молиялаштириш механизмлари жорий этилди. Бу эса фермерларга четдан зотли чорва моллари олиб келиш, ферма инфратузилмасини янгилаш ва ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш имконини бермоқда.

Узоқ йиллар давомида чорвачилик соҳасида фермер хўжалигини юритгани учун айтишим мумкинки, чорвачилик – фақат гўшт ёки сут ишлаб чиқариш эмас, балки қишлоқ аҳолиси бандлиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ва бутун аграр иқтисодиёт барқарорлигини таъминлайдиган муҳим тармокдир. Авваллари фермерлар қўллаб муаммолар, молиялаштириш, ем-хашак танқислиги, ветеринария хизмати етишмаслиги, бозорга чиқишдаги қийинчиликлар билан юзма-юз келар эди. Эндиликда эса соҳада


мутлақо янги босқич бошланди. Чорвачилик учун озуқа базасини мустақамлаш ҳам такомиллаштирилди. Ем-хашак етиштиришга ихтисослашган ер майдонлари кенгайтирилди, суғориш тизимлари яхшиланди. Натижада чорва молларининг озиқланиш сифати ва маҳсулдорлик ошди. Маълумки, ем-хашак барқарор бўлса, натижа ҳам шунга яраша бўлади.

Ветеринария хизматидаги ислохотлар ҳам соҳа ривожига кучли туртки кўрсатяпти. Давлат ветеринария тизими модерниза-

ция қилиниб, хусусий ветеринария хизматларини қайта ишлаш ва бозорга чиқариш масаласи ҳам давлат эътиборида бўлди. Қайта ишлаш корхоналарига берилган солиқ ва божхона имти-

ёзлари, логистика санжирининг яхшиланиши натижасида фермер маҳсулоти ўз қийматида сотила бошлади. Бу эса қишлоқ аҳолисининг даромадини оширишга хизмат қилмоқда. Муҳими, ушбу ислохотлар фақат иқтисодий эмас, ижтимоий самара ҳам бермоқда. Чорвачилик ривожланган ҳудудларда иш ўринлари қўпайиб, аҳолининг ўз юртида меҳнат қилиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Ёшлар қишлоқни тарк этмай, замонавий фермерликка қизиқмоқда.

Давлатимиз томонидан қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар ҳам айнан шу ислохотларни мустақамлашга қаратилган. Асосийси, Президентимиз томонидан белгиланган вази фалар жойларда ўз ижобий натижасини бермоқда. Бугун чорвачилик соҳаси давлат қўловига танган ҳолда барқарор ривожланиш йў-



лига чиқди. Чорвачиликка берилган эътибор ва имтиёзлар қишлоқни ривожлантириш, халқни тўйдириш ва мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган пухта ва узоқни кўзлаган сиёсатдир.

ТАХЛИЛ ВА САБОК

ТАРАҚҚИЁТ

СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ҚАНДАЙ ТЕЖАШ КЕРАК?

Сўнгги йилларда Марказий Осиё минтақасида сув ресурсларининг кескин камайиб бориши, аҳоли сони ва иқтисодий тармоқларнинг ўсиши фониди сувга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётгани сув ҳўжалиги соҳасини стратегик даражада қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Ана шундай мураккаб ва масъулиятли шароитда мавжуд сув захираларидан оқилона, тежамкор ва самарали фойдаланиш бугунги куннинг энг долзарб вазифасига айланди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан кейинги йилларда тизимни тубдан ислоҳ қилиш, ирригация инфраструктурасини янгилаш, энергия тежамкор ва инновацион технологияларни жорий этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу соҳага оид бир қатор умидбахш таклифларнинг нафақат миллий, балки минтақавий ва халқаро миқёсда ҳам эътироф этилаётгани бежиз эмас.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида суви тежаш масалаларига бағишланган бутунжаҳон форумининг ўзбекистонда ўтказиш, сув инкирозини барқарор тараққиётга жиддий таҳдид сифатида эътироф этиш ҳамда глобал инновацион "йўл харитаси" қабул қилиш билан боғлиқ ташаббусини эслаш жоиз.

Шунингдек, 2025 йил 15-16 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг VII Маслаҳат учрашувида 2026-2036 йилларни "Марказий Осиёда сувдан оқилона фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар ўн йиллиги" деб эълон қилиш ҳамда Сув ҳўжалиги соҳасида минтақавий компетенциялар марказини ташкил этиш таклифлари билдирилди. Бу эса бутун минтақа халқлари фаровонлигига хизмат қилажиги шубҳасиз.

Президентимизнинг 2025 йил 15 августдаги қарори билан Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини революционлаштиришнинг 2025-2028 йилларга мўлжалланган дастури тасдиқланди. Ушбу дастур 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепция ва "Ўзбекистон - 2030" стратегияси билан узвий боғлиқ бўлиб, соҳада самарадорлигини оширишга қаратилган.

Айниқса, 2025 йилни сув ҳўжалиги жаҳонда насослар самарадорлигини ошириш йили деб аталгани ҳам тасодиф эмас. Чунки ирригация тизимида энергия истеъмолининг катта қисми айнан насос станциялари ҳиссасига тўғри келади. Биргина мисол, бугунги кунда республикада 1 698 та насос станцияси (5 204 та насос агрегати), 4 497 та тик суғориш қудуқлари ва 4 056 та мелиоратив тик

Очиғини айтганда, насос станциялари самарадорлигини оширишда фақатгина ускуналарни янгилаш етарли эмас. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, энергия истеъмолини таҳлил қилиш, йўқотишларни аниқлаш ва ҳар бир киловатт ҳамда ҳар бир куб метр суви ҳисобга олиш тизимли самарага эришишнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Шу боис сўнгги йилларда Ўзбекистонда насос станцияларини **энергоаудитдан ўтказиш ва сув ҳисобини тўлиқ рақамлаштириш** устувор йўналиш сифатида белгиланди.

Бош вазирнинг баёнига мувофиқ, 2025-2029 йилларда босқичма-босқич энергоаудитдан ўтказиладиган объектлар рўйхати тасдиқланди. Ушбу рўйхатга киритилган 13 та насос станциясида 2025 йилда энергия аудит текширувларини ўтказиш режалаштирилиб, жорий йилнинг ўзида уларнинг аксариятида текширув ишлари тўлиқ якунланди. Энергоаудит жараёнида насос агрегатларининг ҳақиқий иш режими, электродвигателларнинг фойдали иш коэффициентини, электр тармоқларидаги йўқотишлар, сув кўтариш баландини билан энергия сарфи ўртасидаги номуносибликлар ҳамда ортиқча ишлатилган ускуналар аниқланди. Энг муҳими, ҳар бир насос станцияси кесимида энергия истеъмолини камайтиришга қаратилган аниқ ва ҳисоб-китобга асосланган чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ушбу дастурларда насос агрегатларини оптимал иш режимига ўтказиш, частота ўзгартирувчи қурilmаларни жорий этиш, конденсаторлар ўрнатилиш орқали реактив қувватни камайтириш, эски кабель тармоқларини алмаштириш, автоматлаштирилган бошқарув ва масофавий мониторинг тизимларини жорий этиш каби чоралар белгиланди. Натияжада, мазкур тадбирлар тўлиқ амалга оширилганда айрим насос станцияларида электр энергия сарфини 10-15 фоизгача қисқартириш имконияти юзага келди.



қудуқлар мавжуд. Улар ёрдамида 2,4 миллион гектар, яъни суғориладиган ерларнинг 56 фоизи сув билан таъминланмоқда. Суғорма деқончиллик қилнадиған майдонларнинг 55 фоиздан ортиғи насослар ҳисобига оби-ҳаётга қондирилмоқда.

Ёки оддий мисол, Амударёдан сув олиб, Талимаржон, Тўдақўл, Тозакўл, Жанубий Сурхон, Учқизил ва Оқтепа каби йирик сув омборларига 2-3, айрим ҳолларда 7 босқичга сув кўтариб беришда насос станциялари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу билан бирга, насос станцияларининг техник ҳолати жиддий муаммо бўлиб келаётгани ҳам сир эмас. Мавжуд станцияларнинг 73 фоизи 30 йилдан ортиқ, 13 фоизи 20 йилдан ортиқ, 11 фоизи эса 10 йилдан ортиқ муддатдан бери фаол фойдаланиб келинмоқда.

2020-2024 йилларда сув чиқариш қобилияти пасайган ва энергия самарадорлиги меъёрдан паст бўлган 21 та йирик насос станцияси тўлиқ реконструкция ва модернизация қилинди. Ушбу ишлар Анджон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида амалга оширилди. 150 та насос ва 166 та электродвигателни янгилаш режалаштирилиб, жорий йил давомида амалда 157 та насос ва 166 та электродвигател ўрнатилди. Бу режанинг 100-105 фоизга бажарилганини кўрсатади.

Жабҳада эътибор қаратиш лозим бўлган яна бир муҳим жиҳат, бу, энергия тежамкорлиги масаласидир. Хусусан, 2025 йилда насос станциялари ва тик қудуқлар учун 6 840 млн кВт/соат электр энергияси лимити белгиланди. Шу йилнинг 10 декабрь ҳолатига кўра, амалда 5 860 млн кВт/соат сарфланиб, ўтган йилга нисбатан 83,8 млн кВт/соат, лимитга нисбатан эса 100 млн кВт/соат электр энергияси тежалишига эришилди.

2022-2024 йилларда 1 000 м³ сув чиқариш учун сарфланадиган электр энергияси 125,5 кВт/соатдан 120,9 кВт/соатга туширилди. Бу кўрсаткич насосларни янгилаш ва энергия тежамкор қурilmалар ўрнатилиш самараси эканини яққол исботлайди.

2025 йилда LED лампалар, частота ўзгартирувчи қурilmалар, конденсаторлар, қўёш фотоэлектр панеллари, қўёш сув иситиш тизимлари ва кабель ҳўжалиги бўйича режалар ортиғи билан бажарилди.



Рисқул СИДДИҚОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

станциялари самарадорлигини оширишга қаратилган ислохотларнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, уларни амалий натижа билан таъминлайдиган асосий инструмент сифатида майдонга чиқмоқда.

Соҳада ҳал қилувчи асосий омиллардан яна бири, бу, кадрлар масаласидир. Дунё тажрибасидан аёнки, сув ҳўжалиги ва насос иншоотларининг техник янгилашиши натижаси малакали, замонавий фикрлайдиган ва инновацияларни ўзлаштира оладиган кадрлар орқали қўлга киритилади. Шу боис ривожланган давлатларда кадрлар сиёсати стратегик даражага кўтарилган.

Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея, Хитой ва АҚШда насос станциялари, ирригация ва энергетика тизимларида ишловчи мутахассислардан нафақат муҳандислик билимлари, балки **энергоменеджмент, рақамли бошқарув, автоматлаштириш, экология ва ресурсларни тежаш** соҳалари бўйича ҳам чуқур тайёргарлик талаб этилади. Қўлаб давлатларда насос станциялари операторлари ва муҳандислари ҳар 3-5 йилда мажбурий равишда қайта тайёрлаш ва сертифицирлаш ўтади.

Жаҳон амалиётида яна бир муҳим жиҳат – сув ҳўжалиги кадрларини тайёрлашда **"умрбод таълим"** (lifelong learning) тамойили жорий этилган. Яъни мутахассис фаолияти давомида янги технологиялар, энергия тежамкор ускуналар, автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ва рақамли мониторинг воситаларини ўзлаштириб бориш шарт ҳисобланади.

Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда ҳам бу йўналишда изчил ишлар олиб бориш керак. Бугунги кунда Насос станциялари ва энергетика бошқармаларида жами 509 та штат бирлиги мавжуд бўлиб, амалда 466 нафар илчи-ҳодим фаолият юритмоқда. Уларнинг 441 нафари, яъни 95 фоизи олий маълумотли мутахассислардир. Бу кўрсаткич соҳада малакали кадрлар улуши юқори эканини аниқлатади.

Шу билан бирга, 43 та штат бирлигининг вакант бўлиб қолаётгани кадрлар тайёрлаш ва уларни худудларга жалб этиш масаласини янада кучайтириш зарурлигини кўрсатаяпти. Айниқса, қишлоқ худудларида замонавий насос станцияларини бошқара оладиган муҳандис-энергетиклар, автоматлаштириш ва АКТ мутахассисларига эҳтиёж юқори.

Кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида 2023-2024 йиллар ҳамда 2025 йилнинг 15 майига қадар ишлаб чиқариш, энергетика ва АКТ бўлимларида фаолият юритиётган 164 нафар ходимдан 28 нафари, яъни 17 фоизи соҳавий ўқув курслари орқали малакасини оширди. Албатта, ҳали бу кўрсаткичлар етарли бўлмасда, тизимли ишлар бошлангани кўвонарлидир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, насос станциялари самарадорлигини оширишда кадрлар учун қўйиладиган асосий компетенциялар муҳим аҳамият касб этади:

- насос ва электродвигателларнинг энергия самарадорлигини таҳлил қилиш;
- частота ўзгартирувчи қурilmалар ва автоматлаштирилган бошқарув тизимларини ишлатиш;
- энергия аудит ҳулосаларини амалиётга жорий этиш;
- рақамли ҳисобга олиш ва мониторинг воситалари билан ишлаш;
- қайта тикланувчи энергия манбаларини насос тизимларига интеграция қилиш.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти миллий тадқиқот университети ҳамда соҳавий коллеж, ўқув марказларида сув ҳўжалиги кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича йўлга қўйилган таълим йўналишлари жаҳон стандартларига мос равишда такомиллаштирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, насос станциялари самарадорлигини оширишда техника ва технология қанчалик муҳим бўлса, **инсон капитали ҳам шунчалик ҳал қилувчи аҳамиятга эга.** Шу боис келгусида сув ҳўжалиги тизимида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишлари янада кенгайтириш, уларни жаҳон тажрибаси асосида тайёрлаш 2025 йилда бошланган ислохотларнинг узвий давоми бўлиб қолади.

Мухтасар ҳулоса шуки, якунланаётган 2025 йил Ўзбекистон сув ҳўжалигида насос станциялари самарадорлигини ошириш, эскирган ускуналарни янгилаш, энергия тежамкор ва қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтишда туб бурилиш йили бўлди. Бу ишлар нафақат электр энергиясини тежаш, балки сув ресурсларини оқилона бошқариш, қишлоқ ҳўжалиги барқарорлигини таъминлаш ва мамлакат иқтисодий ҳавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.



ЧЕТДАН МУТАХАССИС ЧОРЛАШГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

"ЖИЗЗАХ АККУМУЛЯТОР ЗАВОДИ" АЖДА ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИНГ КИМЁ МУҲАНДИСЛИГИ КАФЕДРАСИ ФИЛИАЛИ ОЧИЛДИ.
ҲўШ, УШБУ ЯНГИЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ НИМАДА?

Маълумки, айни пайтда Жиззах вилоятдан саноати юксак даражада ривожланган худудлардан бирига айланиб бормоқда. Маълумотларга назар солидиган бўлсак, ўтган саккиз йилда вилоятда 6,5 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари ишга тушган ва унинг 45 фоизи саноат ҳиссасига тўғри келмоқда. Йилига 175 минг автомобиль ишлаб чиқариш қуввати яратилди. Саноат 2,5 триллиондан 25 триллион сўмга, хизматлар 2,5 триллиондан 20 триллионга, қишлоқ ҳўжалигининг улуши эса 9 триллиондан 30 триллион сўмга ошди.

Энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналарнинг ишга тушиши билан етук, билимли мутахассисларга бўлган талаб кун сайин ошиб бормоқда. Шунинг учун ҳам олий таълимни корхоналар эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлаш, амалиётга йўналтириш энг муҳим вазифалардан бирига айланди. Айниқса, энергия самарадорлиги ва экологик барқарорликка оид глобал талаблар, замонавий билимни, амалий кўникмаси ва кенг қарашга эга мутахассисларни тайёрлашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.



– Шу маънода, ушбу филиалнинг ташкил этилиши таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада чуқурлаштириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илғор инновацион фойдалар ва илмий тадқиқотларни амалиётга татбиқ этишда муҳим қадам ҳисобланади, – дейди ушбу кафедра мудири, доцент Шухрат Ҳақбердиев.

Кафедра бакалавриятнинг кимё ва металлургия муҳандислиги, нефть ва газни қайта ишлаш технологиясини таълим йўналишлари, кимёвий технология ва келажак аккумуляторлари ишлаб чиқариш технологиясини магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлайди.

Ҳозирги кунда кафедрада 28 нафар профессор-ўқитувчи, шу жумладан, 2 нафар фан доктори, 11 нафар илмий даражага эга доцентлар ва тажрибали ассистентлар фаолият юритмоқда. Кафедрага Жаҳон банки ва Исломот тараққиёти банклари ҳисобидан умумий қиймати 5,5 млрд сўм бўлган замонавий лаборатория жиҳозлари келтирилди. Бу эса амалий машғулотлар ва илмий тадқиқот ишлари сифатини оширмоқда. Жумладан, кафедра доценти Асилбек Маматқулов ушбу лабораториядан фойдаланган ҳолда "Электрод таркиби ва сепаратор фоваклиними ўзгартириб, кислотали аккумулятор иш ресурсларини ошириш ва зарядсизланишини камайтириш" мавзусида илмий-тадқиқот ишини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш мақсадида бугунги кунда кафедрада Россия Федерациясининг Иваново давлат кимё технология университети, М. Авузов номи Жанубий Қозоғистон университети ҳамда вилоятимиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари "Жиззах аккумулятор заводи" АЖ, "Жиззах пластмасса" АЖ, "Жиззахполимерпласт" МЧЖ, "Лабернум-строй" МЧЖ, Жиззах цемент заводи билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

– Жорий йил бошида "Жиззах аккумулятор заводи" АЖ ва Жиззах политехника институти ўртасида фан, таълим ва ишлаб чиқариш соҳасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланган эди, – дейди завод бош директори маслаҳатчиси Шухрат Умаров. – Шартнома асосида дуал таълимни ташкил қилиш, корхона учун мақсадли, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, профессор-ўқитувчиларнинг корхонада илмий-касбий стажировкаларини ўтказиш, талабалар амалиётини ташкил қилиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш имкониятлари туғилди.

Эътиборга молик яна бир жиҳат, заводдаги асосий ишлаб чиқариш раҳбарлари, муҳандислар, цех бошлиқлари, мутахассислар, лаборатория ходимлари, ишчилар асосий қисми Жиззах политехника институти битирувчиларидир.

Ҳар йили ушбу олий ўқув юртида кимё йўналишида тахсил олаётган талабаларининг анчагина қисми амалиётни айнан шу корхонада ўташади. Эндilikда кафедра филиалнинг очилиши билан бу жараён янада самарали ташкил қилинади, магистрлар учун эса жуда катта имкониятлар эшиги очилади. Улар корхонанинг ўзида ҳам назарий, ҳам амалий билим олишлари мумкин бўлади. Бу жараёнда кўп йиллик тажрибага эга бўлган муҳандислар, технололар уларга ёрдам беришда, илғор тажрибалар оммалаштирилади. Натияжада талабалар кейинчалик корхонанинг ўзида меҳнат фаолиятини бошлашлари мумкин бўлади. Малакали мутахассисларни четдан қидириб юрмасдан, корхонанинг ўзида тайёрлаш имконияти туғилади.

Демак, корхонада фаолият кўрсата бошлаган янги филиал икки томонлама манфаатли бўлиб, талабалар учун билим ва тажриба майдонига, корхона учун эса илмий-инновацион ечимларни тақдим этувчи стратегик ҳамкорга айланади.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
"XXI asr" муҳбири

ТИРБАНДЛИКНИНГ ЧОРАСИ БОР...



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

МЕГАПОЛИС ШАҲАРЛАРДА ТИРБАНДЛИК МАСАЛАСИ ҲАМИША ЭНГ ОҒРИҚЛИ МУАММОЛАРДАН БИРИ БЎЛИБ ҚОЛАЁТГАНИ СИР ЭМАС.

Масала жиддийроқ қарайдиган бўлса, бу, энг аввало, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳоли кескин ўзгариб бораётгани билан боғлиқ ҳодисадир. Чунки, тан олиш кераки, йил сайин яшаш даражамиз ошаётгани, талаб ва эҳтиёжлар тобора ортаётгани, алаоқибат техника воситаларининг кўпайётгани табиий ҳол. Эслик, бундан 10-15 йил бурун ҳар юз кишига ўртача ўн тақриб машина тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич ҳозирги кунда, му болага эмас, айрим ҳудудларда юзга юз ва ундан ҳам юқори даражага етди. Ҳатто баъзи хонадонларда икки-учтадан энгил автомашина бор. Бу машиналар шунчаки кўз-кўз қилиш учун харид қилинмаган, аксинча, оила аъзоларининг оғирини энгиллаштириш учун хизмат қилмоқда.

Энди тасаввур қилинг, тонг сахарлаб бир хонадондан икки ёки ундан кўпроқ улов катта шаҳарнинг турли томонларига йўл олади: кимдир ишга, кимдир бирор маросимга, яна бири эса фарзандларини боғча ё мактабга элтиб қўйишга шошилади. Бир ёқда ҳар кунги Тошкентга турли хил юмушлар ёки саёҳат қилиш учун келадиганлар-чи? Бугун аксарият меҳмонлар имкони борича энгил уловларда юришни маъқул кўради. Айтишларича, ҳозирги кунда биргина республика миқёсида расман лицензияга эга киракашлар сони ярим миллиондан ошди. Уларнинг яримдан кўпроги айнан пойтахт ва вилоятлар, туманлар ўртасида хизмат кўрсатади. Йўлларнинг аҳоли эса... бу энг оғриқли мавзудир!

Тўғри, кейинги йилларда йирик трасса ва вилоятлар орасида кўприк ва эстакадалар қурилди, кўп тизимли йўл ўтказгичлар ишга туширилди. Афсуски, кўрилатган бу каби чора-тадбирлар кундан-кунга кўпаяётган энгил ва оғир транспорт воситалари ҳаракатини бир меъёрга солишга ожизлик қилаётди. Устига устак ИПҲ вакиллари имкони борича гавжум ҳудудларда тирбандлик ҳосил бўлмаслиги учун тартибга солувчи ва зифасини бажаришга мажбур. Қизиқ тарафи, бирор жойда йўл транспорт ҳодисаси рўй берган пайтларда уларни чақирши ҳам муаммога айланаётганини ҳайдовчилар очди айтишмоқда.

Қадрдонимнинг ўғли хорижда ўқиган, ҳозир Лондондаги бир компанияда хизмат қилди. Утган йили ота-онаси фарзандларини кўргани боришибди. Дунёнинг шундай улкан шаҳрида гарчи транспорт ҳаракати шу даражада гавжум бўлса-да, лекин тирбандликлар камлигидан ҳайрон қолишибди. "Бу ҳар бир фуқаронинг ўзига боғлиқ ҳолат экан, аслида. Масалан, ўғлим пойтахтнинг бир чеккасида яшайди, иш жойи эса қоқ марказда жойлашган. Эрталаб соат саккизда энгил машинасида ишга жўнаб, бир соатда бемалол етиб оларкан. Қандай қилиб улгураётсан, деб сўрадим. Унинг айтишича, уловини шаҳарга кириш ҳудуди, яъни метро бекатидаги бегул тураргоҳда қолдириб кетаркан. Аксар метрларнинг охириги бекатларида шундай жойлар ташкил қилинган экан. Нега пул олинмайди, деб сўрасам, уловини қолдириб кетаётган фуқаролар шундоғам

метро хизматидан фойдалангани учун ҳақ тўлайди-ку, деб изоҳ берди. Ана сизга ижтимоий манфаат", деди танишим ҳайратланганча.

Яна бир жонли мисолга эътибор беринг: аҳоли сони 350 миллион (2025 йил ўртасидаги маълумотга кўра 238 млндан ошган)ни қоралаб бораётган Америкада тахминан 130 миллионга яқин энгил машина бор экан. Қизиқ лиҳоти, улар "Энгил машина ҳашам эмас, ҳаракатлини воситаси" деган тушунчани шуурларига сингдиришганидир. Шунинг учун ҳам фалон фирмада фалон юз минг доллар оладиган ҳодим ёки амалдор ҳам жамоат транспортда юришни биздагидек ўзига ор деб билмайди. Уловларидан жуда керак маҳалда ёки бошқа узокроқ шаҳарга отланса ёки саёҳатга чиққанларидагина фойдаланилади, холос...

Эътиборлиси, жорий йилнинг 16 декабрь кунги Президентимиз "Тошкент шаҳрида транспорт тизими бошқарувини такомиллаштириш ҳамда тирбандликларнинг олдини олишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарор қабул қилди. Ушбу ҳужжатда қайд этилганидек, мамлакатимиз пойтахтида юзага келаётган мазкур муаммога ижобий ечим топишда, аввало, илмий ёндашув ниҳоятда зарур. Қолаверса, илгор хорижий тажрибалар ва рақамли технологияларни қўллаш орқали замонавий техник ечимларни ишлаб чиқиш фурсати етди. Айнан биз ушбу мақоламизда келтирган биргина Лондон шаҳрига оид ҳаётини мисоллар замирида ҳам худди шундай оқилона ечимлар муҳассам.

Ковун қовундан ранг олади, деганлари рости. Чунки пойтахтдаги тирбандлик хаста-

лиги вилоятларга ҳам етиб келганига анча бўлди. Масалан, ҳар кун эрталаб вилоят маркази Урганч шаҳрига энгил автомобилда кириш азоб. Баъзи кунлар бундай машашлар Хонқа тумани марказидан бошланади. Икки ҳудуд ораллиги ўн икки чақирим. "Урганч - Ҳазорасп" магистраль йўлидан вилоятнинг беш тумани аҳолиси ва бошқа вилоятларга чиқиб кетаётган, келаётган ҳайдовчилар фойдаланади. Бу эса вилоятдаги мавжуд энгил уловларнинг деярли олти миш физицини ташкил қилади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мазкур йўлни кўпқаторли кўринишда бетонлаштириш лойиҳаси ишлаб чиқилиб, яқин йилларда бу иш амалга ошиши кутиляпти. Аммо ҳозирда Тупроққалъа, Ҳазорасп, Богот, Янгиариқ туманларидан вилоят марказига қатнаб ишлайдиганлар, олий ўқув юрларида ўқийдиган талабалар кунда-кунора ишга-ўқишга кечкичилари одатий ҳолга айланиб бормоқда. Сабаби, уларнинг аксари шахсий автомашина ёки таксиларда шаҳарга кириб келишмоқда. Ваҳоланки, барча туманлардан марказга замонавий автобуслар, микроавтобуслар, йўналишли таксилар тўхтовсиз қатнаб туради. Лекин...

Хуллас, пойтахт ёки катта шаҳарларда жамоат транспортини ўзликсиз ишлаш тизимини такомиллаштириш бўйича кўпроқ ишлаш талаб этилмоқда. Зеро, бу дунёда барчамиз йўловчиларимиз. Манзилга беҳатар ва тезроқ етиш ўзимизга боғлиқ.

Рўзимбой ҲАСАН,
"XXI asr" мухбири

ТАХРИРИЯТДАН:

Албатта, мухбиримиз мақоласида тилга олинган муаммолар кенг жамоатчилик томонидан ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда жуда кўп муҳокамаларга сабаб бўлгани аён. Бу ҳақда 16 декабрь кунги Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш, шаҳар муҳитини яхшилаш ва муносиб яшаш шароитларини яратиш масалалари юзасида ўтказилган йиғилишда ҳам атрофлича сўз юритилди. Табиийки, йирик мегаполислар каби пойтахтимизда ҳам транспорт тизимини ягона ёндашув асосида бошқарадиган марказ фаолияти йўлга қўйилиши ҳамда шу орқали ҳар бир кўча, ҳар бир чорраҳада транспорт ва пиледалар оқимини сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиб, тирбандлик ва йўл транспорт ҳодисасининг олдини олишга барҳам берилиши қайд этилди. Йиғилишда таъкидланганидек, келаси йилидан бошлаб Тошкент шаҳрига киришдаги 2 та назорат пости шаҳар ташқарисига кўчирилиши, 3 та си реконструкция қилиниши айтиб ўтилди. Ва белгиланган ҳудудларда камиди 3,5 мингга юк ва 5,5 мингга энгил автомобиль учун тураргоҳлар ҳамда аҳоли учун кемпинглар барпо этилиши мўлжалланмоқда. Эътиборлиси, айнан ана шу нуқталарга жамоат транспорти тармоғи боғлиниб, пойтахтга келаётган меҳмонлар автомобиллини шу ерда қолдириб, тез ва хавфсиз жамоат транспортда ҳаракатланиши мумкин бўлади.

Уйлаймизки, бу борада халқимизни рози қиладиган катта ўзгаришлар кутилкоқда.

БУНЁДКОРЛИК

Реклама ҳуқуқи асосида



Реклама ҳуқуқи асосида

ОБИ-ҲАЁТ – ҲАР БИР ХОНАДОНДА

Ўзбекистон қишлоқ ва шаҳарларни комплекс ривожлантириш мақсадида халқаро ҳамкорлик доирасида Ислом тараққиёти банки билан самарали лойиҳаларни йўлга қўйди.



СУРАТДА: "Humo gidro building" масъулияти чекланган жамияти иш бошқарувчиси **Бегзод КАРИМОВ** ва техник назоратчи **Зафар МАМЕДОВ** иш устида.

Мазкур ҳамкорлик асосида 2025-2028 йилларда мамлакатимизнинг жанубий вилоятларидаги 21 та туманининг 157 та маҳалласида мактабгача таълим ташкилотлари, мактаблар, оилавий поликлиникалар каби ижтимоий инфратузилма объектлари барпо қилинади ёки таъмирланиб, замонавий ҳолатга келтирилиши режалаштирилган. Бу эса қишлоқ аҳолиси учун яшаш шароитларини янада яхшилаш имконини беради.

Масалан, шу вақтгача Китоб туманидаги Истикбол ва Чармгари маҳаллаларида ичимлик суви тармоғи етарли даражада эмас эди. Шу боис аҳолининг талаби даражасида сув етказиб бериш ишлари бошланди. Ушбу муҳим ишларни "Nishon Zilol Suv" хўжалик корхонаси хизматчилари амалга оширишмоқда. Яқин кунларда ҳар ик-

тармоғи янгидан тортилиб, ҳар бир хонадон сув билан таъминланади. Ушбу масъулиятли вазифани адо этишда "Humo Gidro Building" масъулияти чекланган жамиятининг моҳир курувчиси **Санжар Каримов** бошчилигидаги жамоа фидойилик кўрсатмоқда. Айни пайтда сув тармоқлари тортилиши давом этмоқда ва янги сув қудуқлари ишга туширилиш арафасида.

Мазкур ҳудудга қарашли Ол-

мавжуд сув қудуқлари таъмирланиб, 6,5 километр ичимлик суви тармоғи 325 та абонентга етказилди. Бу ерда "Ultima Glas trade" МЧЖ ишчилари масъулият билан меҳнат қилишмоқда. Ҳозирда сув таъминоти объектларини топширишга ҳозирлик қўрилмоқда.

Дароқе, мамлакатимизда қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли учун қулай шароит яратиш бўйича ишлар янги босқичга кўтарилмоқда. Бу жара-

ЯНГИ ЙИЛДА ЯНГИ ҚИЁФА

Бошқа ҳудудларда бўлгани каби **Хоразм вилоятида ҳам қурилиш, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Вилоятнинг шаҳар ва туманларида кўп қаватли аҳоли турар жойлари, ижтимоий соҳа объектлари барпо этилиб, халқнинг турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган кенг кўламли ишлар изчил амалга оширилмоқда.**

Айниқса, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида туман марказида оқова сув тармоқлари ҳамда уларни қайта ишлаш тизимлари қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Мазкур муҳим иншоот "Туманларни жадал комплекс ривожлантириш" дастури доирасида Ойбек Султонов раҳбарлигидаги "Вунуодкор Mubosher" масъулияти чекланган жамияти ҳамда ёрдамчи пудратчи "Real Estate" МЧЖ томонидан барпо этилмоқда. Ушбу корхоналарнинг 60 нафардан ортқ тажрибали ва забардаст курувчилари қисқа фурсат ичида объектни фойдаланишга топширишни олдиларига мақсад қилиб қўйган.

Айни пайтда аҳил жамоа қурилиш меъёр ва талабларига қатъий амал қилган ҳолда қарийб 17 километр узунликдаги оқова сув тармоқлари ҳамда олти-та оқова сувни қайта ишлаш иншоотини барпо этиш билан банд. Лойиҳа ишлари

Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компаниясининг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан доимий назоратга олинган.

Шунингдек, Ислом тараққиёти банки ҳамда БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида қишлоқ ҳудудларида аҳоли инфратузилмасини яхшилашга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ҳазорасп ту-



ланд бажармоқда. Ушбу лойиҳа Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш дастури доирасида вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси буюртмасига асосан амалга оширилмоқда. Унинг доирасида вилоятдаги 49 та маҳалланинг инфратузилмаси ҳамда ижтимоий соҳа объектлари қурилиб, қайта реконструкция қилинмоқда.

Бундан ташқари, қадимий ва на-

мандаги Мухомон, Буюк Саймо, Наврўз, Шоду-хуррам ва Камолот маҳаллаларида ичимлик суви, ички йўллар ва электр таъминотини яхшилаш бора-сида кенг кўламли бунёдкорлик давом этмоқда.



Айниқса, шу кунларда ушбу маҳаллалардаги хонадонларга ичимлик суви тармоқлари қурувлари тортилиб, фойдаланишга топшириш арафасида турибди. Бу хайрли ишларни Бегзод Норқобилов бошчилигидаги "Денов янги тараққиёт" МЧЖ меҳнат жамоаси юксак масъулият ва фидойилик би-

қирон Хива шаҳрида ҳам ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари изчил давом этмоқда. Хусусан, 15-мактабгача таълим ташкилоти бугунги кунда тамоман янги қиёфа касб этмоқда. "Ташаббусли очик бюджет" дастури асосида ушбу муассасанинг кириш йўлаклари, ўйин майдончалари, фасад ва поллари таъмирланиб, замонавий талаблар асосида янгиланди.

Шунингдек, Хива шаҳридаги 12-умумий ўрта таълим мактабида ҳам замонавий типдаги спорт майдончасини мукамал ва мактаб биносини жорий таъмирлаш ишлари якунига етказилмоқда. Ушбу масканда "Fayz Fozil Servis" МЧЖ қурувчилари футбол, баскетбол, волейбол каби спорт турлари учун мўлжалланган тўртта минч стадионни қурилиш меъёрларига тўлиқ риоя этилган ҳолда барпо этишди.

Албатта, бундай шарт-шароитлардан, энг аввало, мактаб ўқувчилари ва ёшлар ниҳоятда мамнун. Зеро, бунёдкорлик – тараққиёт ва фаровон ҳаётнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
"XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган.



ки маҳалла хонадонларига тоза ичимлик суви етиб бориши кутиляпти.

Шунингдек, Самарқанд вилояти Булунғур тумани Фозил йўлдош маҳалласида ҳам улкан лойиҳа ҳаётга тадбиқ этилмоқда. 4 та янги сув қудуғи барпо қилинади, қарийб 21 километрил суви

мазор маҳалласида ҳам ер ости суви манбалари янгиланиб, 5 та сув қудуғи қурилмоқда ва аҳоли хонадонларига 42 километрил улкан ичимлик суви тармоғи тортиляпти. Бу борада "Камила" МЧЖ қурувчилари жонбозлик кўрсатишмоқда.

Эътиборли жиҳати, Жомбой туманидаги Назар маҳалласидаги

ёнда маҳалла аҳолиси ҳам фаол иштирок этиб, ўзларига қулай ва замонавий ижтимоий муҳит яратилганини ҳис қилишмоқда.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
"XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОН

"ГАРАНТ БАНК" АЖ ОЛМОС БАНК ХИЗМАТЛАРИ ОФИСИга тегишли серия рақами № Gb 0008087 ва № Gb 0009004 бўлган омонат дафтарчалари ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

Чўлпон сатрларидан “Туркий дунё асри” гача

Туркия Президенти Ражаб Тоййиб Эрдуғон ўзбек шоири Абдулхамид Чўлпон шеърини ўқиди:

“Босқин ва зулм чидаб бўлмас даражага етган 1930 йиллари Ўзбекистоннинг жасур ўғли Сулаймон Чўлпон, кейинчалик отиб ташланиб, бадалини ҳаёти билан тўлаган шеърда, шундай хайкирган эди:

Гўзал Туркистон, сенга не бўлди?
Саҳар вақтида гулларинг сўлди.
Чаманлар барбод,

қушлар ҳам фарёд,
Ҳаммаси маҳзун.

Бўлмасми дил шод?
Билмам не учун қушлар учмас
боғчаларингда?

Сўнги икки асримиз фақат миллатимиз учун эмас, балки бутун туркий дунё учун ҳам қийинчиликлар, изтироблар, машаққатлар ва босқинлар билан ўтди. Маданий географиямизнинг кўплаб ҳудудларида ўша заминнинг қадимий ўзликлари, тиллари, эътиқодий қадриятлари тақиқланди, халқлар парчаланди. Том маънода ҳазон фаслини яшадик.

Озарбойжон шоири Рустам Бехрудий бу даврда бутун Туркий дунёнинг тақдирига айланган манзарани шундай тасвирлайди:

У қайси миллатдир – тақдири сирдир,
Юз отга бўлинди, барибир бирдир...

Ражаб Тоййиб Эрдуғон туркийларнинг ягона юрак ва ягона биллак бўлиб бирлашмаслиги учун не-не қатагонлар уюштирилганини таъкидлади. Миллий ўзликни ҳимоя қилган, миллий қадриятларига содиқ қолган зиёлилар турончиликда айбланиб, ё қамоққа ташланган, ё сургун қилинган ёхуд Чўлпон сингари ўққа учган, дор оғочига салом берган.

Сиёсий нутқдаги иккинчи шеър ҳам ўзбек адабиёти билан алоқадор чиқиб келди. Уни озарбойжон шоири Рустам Бехрудий Самарқандда Амир Темур қабри қошида ёзган экан (*худди Фитрат каби*). Шеърнинг тўлиғини топдим, “Салом дор оғочи... Алайкум салом” деган мисра нақоратдек такрорланади. Дарҳол Эргаш Жуманбулбул ўғли ижросидаги “Кунтуғмиш” достони ёдга тушди; ундан илҳомланиб озарбойжоннинг ўзбек ўғли Акиф Бағир битган, унинг таъсирида эса Рауф Парфи яратган машур шеърни эсладим – “Ассалому алайкум, дорнинг оғочи” (*“Абдулла Қодирий” фильмида шоирнинг ўзи ўқиган аудио вариантыдан фойдаланганми*). Ҳойнаҳой, Рустам Бехрудий шу туркумни давом эттирган.

Туркия Президенти аввал ҳам Чўлпоннинг “Тўфон” ва Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” шеърини ўқигани ижтимоий тармоқларда илиқ қарши олинган эди. Таъсирчан мисралар кўпчилигининг ҳаёлини банд этиб, асосий масаладан доимидек чалғиб қолинди. Жаноб Эрдуғон қаерда ва нима учун бу ўтти сатрларга мурожаат этди?

Шу баҳонада таъкидлашни истардик: нашримиз муассиси бўлмиш **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати**



– Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини тобора мустаҳкамлаб бораётган Туркиянинг “Адолат ва тараққиёт” партияси яқинда 198 бетдан ва 14 бўлимдан иборат “Турк дунёси нигоҳи” ҳужжатини эълон қилди (*ушбу нуфузли тадбирда O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Ақтам Хаитов бошчилигидаги делегация иштирок этгани хусусида газетанинг биринчи саҳифасида сўз юритилган*).

Хабар қилинганидек, тақдирот тадбирида Туркия Президенти сўзга чиқиб, мазкур дастур келгуси асрни барпо этишда муҳим қўлланмага айланишига ишонч билдирди. Чўлпоннинг шеъри ушбу нутқда бадиият намунаси сифатида эмас, балки **сиёсий хотира ва умумий тақдир рамзи** сифатида янгради.

Дастурда қисқа, ўрта ва узок муддатли мақсадлар белгиланган бўлиб, туркий давлатлар орасида кўп қиррали ҳамкорликни институтлаштириш, энергетика, савдо, транспорт, технология ва маданият соҳаларида интеграцияни чуқурлаштириш ҳамда глобал даражада биргаликда ҳаракат қилиш салоҳиятини ошириш мақсад қилинган.

Ҳужжат туркий дунёни глобал тизимда янада фаол акторга айлантириш стратегияси асосида тайёрланган. Қардош мамлакатларнинг умумий мақсадлари, глобал қарашлари ва стратегик ёндашувларини акс эттирган. Туркий давлатлар жаҳон аренасида юксалаётган куч маркази сифатида шаклланиши устувор мақсад қилинган.

Ўзаро савдони ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар қаторида кўшма электрон тижорат платформаларини яратиш, умумий бозор механизмларини шакллантириш, “Туркий дунё” бренди остида ишлаб чиқарилган

маҳсулотларнинг халқаро майдонда тан олиншини таъминлаш режалаштирилган. Шунингдек, савдо низоларини ҳал этиш учун кўшма ҳакамлик (арбитраж) марказларини ташкил этиш ҳамда Туркиянинг туркий давлатлар билан умумий ташқи савдо ҳажмини 100 миллиард доллардан ошириш марраси қўйилган.

Туркий дунё инвестиция харитасини тайёрлаш, икки қарра солиқ солишининг олдини олишга қаратилган келишувларни кенгайтириш, Тараққиёт ва тикланиш банкни ташкил этиш каби амалий вазифалар белгиланган. Тўлов операцияларини осонлаштириш учун “Turkcoib” ёки шунга ўхшаш рақамли валюта яратиш ҳам яхши ғоя. Шунингдек, молиявий интеграцияни чуқурлаштириш учун кўшма валюта лойиҳаси ҳамда Туркий дунё марказий банклари форумини ташкил этиш кўзда тутилган.

Ҳужжатда Транскаспий табиий газ қувури лойиҳасини амалга ошириш, янги энергетика коридорларини барпо этиш, минтақавий энергия савдо биржаларини ташкил қилиш, кўшма нефть ва газ қидириш, қазиб олиш ва қайта ишлаш лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, Туркий дунё энергетика агентлиги ҳамда Туркий дунё энергетика иттифоқини тузиш каби истиқболли режалар белгиланган.

Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт имкониятларидан унумли фойдаланиш ниҳоятда муҳим. Шу мақсадда кўшма рақамли иқтисодий стратегия ишлаб чиқиш, электрон тижорат қоидаларини мувофиқлаштириш, кўшма дастурий таъминот платформалари, электрон ҳукумат тизимларини ўзаро уйғунлаштириш, Туркий дунё технофестлари, Технология агентлиги ва Рақамли иқтисодиёт платформасини ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Туркий дунё терроризмга қарши кураш маркази, Киберхавфсизлик агентлиги, стратегик пойтахтларда кўшма дипломатик ваколатхоналарни очил, кўшма консуллик нуқталарини ташкил этиш зарурати таъкидланган. Қардош халқлар ёшлари иштирокида Ёшлар Мажлисини тузиш имконияти тилга олинган.

Туркий дунё умумий тил платфор-

маси, Умумий медиа платформаси, Умумий тарих комиссияси, Туркий дунё музейи, визасиз режим, умумий шахсни тасдиқловчи карта орқали эркин ҳаракатланиш каби мақсадлар ҳам ҳужжатдан ўрин олган.

Сув ресурсларини бошқариш доирасида белгиланган вазифалар қаторида Туркий дунё сув стратегиясини ишлаб чиқиш ва Туркий дунё сув тадқиқот институтини ташкил этиш назарда тутилган. Дастурда Туркий дунё Адлия ва ҳуқуқ кенгашини шакллантириш мақсади белгиланган. Шунингдек, ягона электрон ҳукумат тармоғини яратиш мамлакатлар ўртасида маълумот алмашинуви ва хизматлар интеграциясини осонлаштириши шубҳасиз. Турк инсон ҳуқуқлари кенгашини тузиш режаси ҳам эътибордан четда қолмаган.

Туркий дунё технология стратегияси ҳужжатини тайёрлаш орқали умумий мақсадларни белгилаш, Технология ва инновация фонди, Технология трансфер маркази ҳамда Туркий дунё космик агентлигини ташкил этиш мақсадлари бирма-бир санаб ўтилган.

Ўрта коридор, Нахчивон коридори, Тараққиёт йўли каби лойиҳаларни интеграция қилиш орқали узлуксиз савдо йўллари яратиш, Ўрта коридор ва Транскаспий транспорт йўлагини мустаҳкамлаш орқали халқаро савдони Туркий дунё орқали йўналтириш мақсадлари кўзланмоқда.

Узоқ муддатли мақсадларни белгилаш, стратегик мувофиқлаштириш ва қарор қабул қилишни тезлаштириш учун Туркий дунё истиқболли кенгашини ташкил этишга зарурат сезилиши шубҳасиз. “Туркий дунё асри”ни куришдек улуғвор мақсад йўлида эса Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар орасидаги кучли ҳамкорлик механизмларини янада мустаҳкамлаш талаб этилади. Бу каби йўналишлар туркий дунёни алоҳида давлатлар йиғинидан геоиқтисодий маконга айлантиришни кўзлайди. Мақсадлар амалга ошса, туркий бирлик шунчаки ҳиссиётга чулганган орзу эмас, мустаҳкам институтлар орқали бирлашган муштарак келажак сифатида бўй кўрсатади.

Чўлпон “Гўзал Туркистон, сенга не бўлди?” деб нола қилган даврда туркий халқларни бирлаштирадиган на ривожланган институтлар бор эди, на пухта ишлаб чиқилган стратегиялар, на сиёсий ирода... Шоир сатрлари мағлубият тасаллиси эмас, айрилиб айиққа ем бўлган тақдирларнинг аламли оҳи эди. Шу маънода бу шеър Анқара минбаридан янграганда фақат адабий иқтибос бўлиб қолмай, балки тарихий хотирага қилинган сиёсий мурожаатга айланди.

Туркий дунё машъум ўтмишини фақат эслаш билан чекланмасдан, балки муштарак келажак куриш учун маънавий асосга айлантиришга уринаётир. “Турк дунёси нигоҳи” ҳужжати эса айни шу ироданинг қоғозга, режага, механизмга кўчган шаклидир. Агар шоир Туркистоннинг сўлган гуллари учун йиғлаган бўлса, энди туркий давлатлар ўша гуллари қайта ундирадиган сиёсий, иқтисодий ва маданий муҳитни яратишга бел боғламоқда.

Олдимизда турган масала ўтти сатрлардан мутаассир бўлиш билан кифояланмай, истиқболли режаларни изчил амалга оширишга киришидир. Туркий дунё фақат ҳиссиётлар ичра эмас, умумий манфаатлар, мустаҳкам институтлар ва кучли стратегия теграсида бирлашиш имкониятига эга бўлди. Бундай тарихий имконият қўлдан чиқса, Чўлпон сатрлари яна неча йиллар мағлубият рамзи ўлароқ янграши... Худо сақласин. Утмиш овози бугун биздан йиғини бас қилиб, жавобгарликни бўйинга олишни талаб қилмоқда. Туркий дунё асри баландпарвоз шiorлар билан эмас, изчил қарорлар, қатъий ирода ва ҳамжиҳат ҳаракат билан курилади. Тарихда яшаш вақти ўтди. Энди тарих яратиш навбати – тирик авлодлар қўлида!

Фаррух ЖАББОРБЕК,
“XXI asr” муҳбири

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:

Ақтам ХАИТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХҲЖАЕВА

Сирожиддин САЙИИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шўхрат АСЛОНОВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73^а-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел. факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Буюртма рақами: Т – 1245
Адади: 5005
Баҳоиси келишилган нарҳда.
Топширилди – 21:00

Таҳририятга келган кўлэмалар тақрир
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА